

ИМОМ ДОРАҚУТНИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Шахбоз Саидов

БухДУ Ислом тарихи ва манбашунослиги 2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10012075>

Имом Дорақутний ўз даврида ҳадис илми борасида уламо ва толиблар кўп мурожаат қиладиган зот бўлганларидек, у кишининг ёзган асарлари ўз даврида ва ундан кейинги даврда ҳам илм аҳли орасида, хусусан муҳаддислар орасида жуда кўп мурожаат қилинадиган асарлар ҳисобланади. У зотдан бизга кўп ва қимматли китоб ва қўлёзмалар қолган.

Бу ҳақида машҳур муфассир Ибн Касир шундай деганлар; “Имом Дорақутний буюк ҳофиз, ҳадис фанининг устози, жуда кўп зотлардан ҳадис эшитиб, уларни жамлаб, китоб шаклига келтирган ва жуда фойдали иш қилган¹.

Имом Дорақутний ҳадис ва ҳадис илми борасида жуда ҳам кўп китобларни ёзиб қолдирганлар. Бу зотнинг китобларини барчаси мустақил бўлиб, улар орасида бирор китобнинг қисқартирилган кўриниши ёки шарҳи мавжуд эмас, балки аввал айтиб ўтганимиздек барчаси алоҳида мустақил китобдир. Лекин бу китобларнинг барчаси ҳам ҳозирги кунда бизгача етиб келмаган. Бироқ бизгача етиб келган китобларининг аксарияти чоп этилган.

Имом Дорақутнийнинг асарларини қуйидагича ўрганамиз.

1. Бизгача етиб келган ва ҳозирда мавжуд китоблари.

А). Чоп этилган асарлари.

Б). Чоп этилмаган асарлари ва қўлёзма асарлари.

2. Бизгача етиб келмаган асарлари.

Ҳозирда мавжуд ва чоп этилган асарлари.

1. **“Ал-аҳодис аллатий ҳулифа фийҳа Имоми дорил ҳижра Молик ибн Анас”.**

Бу китобни Ибн Хойр Ишбилий ўзининг “Фихрисот”, Имом Заҳабий “Сияри Аъломин нубало” китобида Имом Дорақутнийга тегишли эканлиги ҳақида гапириб ўтганлар.

2. **“Аҳодисус сифот”.**

Бу китоб кичкина рисола бўлиб, унда Имом Дорақутнийнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган Аллоҳ таолонинг сифатларига оид ҳадисларни жамлаган. Бу китобда келтирган ҳадисларининг кўпи имом Бухорийнинг ва имом Муслимнинг “Саҳиҳ”ларида келтирилган ҳадислардир. Бу китобда ҳадисларни мавзуларга мос қилиб тартиблаб жамламаган. Унда муаллиф ҳадисларни саҳиҳ ёки заифлигига ҳам эътибор қаратмаган, яъни бу ҳақида гапирмаган. Бу рисолада жамланган ҳадислар сони 70 га яқин. Бу рисола Мисрдаги “Дорул-кутуб” мактабасида чоп қилинган.

3. **“Аҳодису Муватто ва иттифоқур рувот ала Молик ва ихтилофухум фийҳи ва зиёдатуҳум ва нуқсонухум”.**

Бу китобни Имом Моликнинг насабларини зикр қилиш билан бошлайдилар. Сўнгга “Муватто” китобида Имом Моликдан ривоят қилинган ҳадисларни ровийлари билан зикр қилган ва бу ровийларнинг ихтилофлари ва иттифоқлари ҳақида батафсил гапириб ўтган.

¹ Ибн Салоҳ. Улумул Ҳадис. Мадина. 1972-й. Б.586-587.

4. “Аҳодису нузул”.

Ўн тўққиз саҳифадан иборат кичик ҳажмли рисола. Бу китобнинг иккита қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлиб, унинг бир нусхаси Ҳайдарободдаги “Усмония” университетининг кутибхонасида сақланади. Иккинчи нусхаси эса Туркияда сақланади². Бу китобда мусанниф Аллоҳ таолонинг дунё осмонига тушиши ҳақидаги ҳадисларни келтирган.

5. “Ахбору Амр ибн Абийд ва изҳору бидъатиҳи”.

Бу китобда Имом Дорақутний Амр ибн Абийдни Аллоҳ таолонинг зоти ва унинг каломи, Қуръони карим ҳақида, бидъат ва хурофотлари ҳақидаги фикрларини гапирган ва уларга раддиялар билдирган.

6. “Ал-ихвату вал аховат”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насаблари ва у зотга замондош бўлган кишиларни таниб, улар ҳақида етарлича маълумот бера оладиган бу китоб ўқувчи учун жуда манфаатли ва фойдали китобдир.

7. “Асилатул Барқоний”.

Имом Дорақутний бу китобида шогирди Имом Барқонийнинг жарҳ ва таъдил олимларининг бир нечалари ҳақида сўраган саволларига жавоб берган.

8. “Асилатул Ҳоким лид-Дорақутний ан шуйхуҳи”.

Асли қўлёзма нусхаси ўн бир саҳифа ва ҳар бир саҳифаси тахминан йигирма беш қаторни ташкил қиладиган бу китобда Имом Дорақутний ўз шайхлари ҳақида берилган саволларга атрофлича жавоб бериб ўтган.

9. “Асилатус Суламий лид Дорақутний.”

Бу китобда Имом Дорақутний Имом Суламийнинг баъзи ровийлар ҳақида берган саволларига жавоб берганлар.

10. “Истидрокот”.

Яна бир номи “Татаббуъ” деб номланган бу китобда Имом Дорақутний “Саҳиҳайн”да келтирилган ва Дорақутнийнинг фикрича иллати бор деб айтилган ҳадисларни жамлаган.

11. “Илзомот”.

Ҳоким Абу Абдуллоҳнинг “Мустадрок ала Саҳиҳайн” китобига мазмун жиҳатдан ўхшаш бўлган бу китобда Имом Дорақутний “Саҳиҳайн”нинг шартига мувофиқ бўлган ҳадисларни жамлаган. Лекин баъзи жиҳатлари билан бу китоб айтиб ўтганимиздек Ҳоким Абу Абдуллоҳнинг “Мустадрок ала саҳиҳайн” китобидан биров фарқ қилади.

12. “Таълилот алал мажруҳийна ли ибн Ҳиббон”.

Бу китоб Ибн Ҳиббоннинг заиф муҳаддислар ҳақидаги китобига илова ва уни тўлдиргувчи китобдир.

13. “Зикру асмон тобеъийн ва ман баъдахум мимман соҳҳат ривоятуху индал Бухорий”.

Ўз номидан кўриниб турганидек бу китобда Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг қарашлари бўйича ривоятлари саҳиҳ деб топилган ровийлар зикр қилинган. Бу рисола икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи жузда Имом Бухорийнинг китобларида

² Фавад Саикин. Тарихи тиросул арабий. Миср. Нашрул ҳайъатул мисрия.1971.й. Ж.1. Б.510-511.

келтирилган тобеъийн ва улардан кейинги аср ровийлари келтирилган. Иккинчи жузда эса Муслим ибн Ҳажжожнинг китобларидаги ровийлар ҳақида сўз юритилган.

14. “Зуафо вал матрукина минал муҳаддисийн”.

Қўлёзма нусхаси ўн уч саҳифадан иборат бу рисолада Имом Дорақутний заиф ва сўзи олинмайдиган муҳаддислар ҳақида баҳс юритади.

15. “Муъталаф вал мухталаф фий асмаи рижол”.

Бу китоб ҳақида “Кашфуз зунун” китобининг соҳиби “Муъталаф вал мухталаф фий асмаи рижол” бу борада 385 йилда вафот этган Имом Ҳофиз Абулҳасан Дорақутний жуда ажойиб китоб битган”³, деб айтган.

References:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олтин силсила. Ҳилол нашр. 2013.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. Тошкент-2008.
3. Бухорий. Алжомеъ ассаҳиҳ. – Қоҳира. Дорушшаъб, 1987.
4. Абу Довуд. Сунан. – Байрут. Дорул китаб аларабий, 1346 ҳ.
5. Муслим. Алжомеъ ассаҳиҳ. – Байрут. Дорул жайл, 1989.
6. Байҳақий. Сунани кубро. – Ҳайдаробод. Низомия, 1344 ҳ.
7. Муҳаммад ибн Абдулғани. Аълом. – Байрут. Дорул илм. 1980.
8. Самъоний. Ансоб. – Ҳинд. Доиратул маъориф. 1385 ҳ.
9. Ибн Касир. Албидоя ван Ниҳоя. – Байрут. Мактабатул маъориф. 1966
10. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Байрут. Дорул кутубул арабий. 1980.
11. Фoad Сазкийн. Тарихи тиросул арабий. – Нашрул ҳайатул мисрийя. 1971.
12. Суютий. Тарих Ҳулафо. – Байрут. Мактабатул Маъориф. 1966.
13. Заҳабий. Тазкиратул-хуффо. – Байрут. Дори ихё тиросул арабий.
14. Муҳаммад Каттоний. Рисолатул Мустаторрифа. – Байрут. Дорул китоб илмийя. 1400ҳ.
15. Заҳабий. Сияри аъломин нубало. – Байрут. Муассасатур рисола. 1401ҳ.
16. Суютий. Тобақотул Хуффо. – Нашри мактабатул ваҳба. 1393ҳ.
17. Абу Бакр ибн Ҳидоятulloҳ. Тобақотуш шофеъия. – Бағдод. Мактабатул арабия. 1356ҳ.
18. Ибн Салоҳ. Улумул ҳадис. – Миср. Дорул китоб. 1974.
19. Шамсиддин Саховий. Фатҳул муғийс. – Мадина. 1978.
20. Ибн Надим. Фихрасот. – Байрут. Дорул маърифа. 1398ҳ
21. Khojayorov A. THE SCIENTIFIC-LITERARY ENVIRONMENT OF THE NASAF OASIS IN THE MIDDLE AGES // Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 885-888.
22. Asilbek K. History of Sufism in Nasaf Oasis // Intersections of Faith and Culture: American Journal of Religious and Cultural Studies (2993-2599). – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 15-19.

³ Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. Дори Саъодат. 1310.ҳ.

23. Хўжаёров А. ЎРТА АСРЛАРДА НАСАФ ВОҲАСИ ИЛМИЙ-АДАБИЙ ҲАЁТИ // Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 41-43.
24. Ходжаёров А. О. СОМОНЙЛАР ДАВРИДА НАСАФ ШАҲРИНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ // ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2023. – Т. 6. – №. 1.
25. Хўжаёров А. О. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ // INTERNATIONAL CONFERENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 21. – С. 99-103.
26. Бўриев О., Искандаров Ш., Хўжаёров А. Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари ноёб этнографик манба сифатида // Academic research in educational sciences. – 2022. – №. 3. – С. 399-411.



INNOVATIVE
ACADEMY